

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШУКУРОВ ЗУХРИДДИН ФАЗЛИДИНОВИЧ

**КАРЖАНТАУ ЕР ЁРИФИ СЕЙСМИК ҲОЛАТИГА МОС ЗАМОНАВИЙ
ҲАРАКАТЛАРНИ ГИС ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

04.00.06 - Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

Шукуров Зухриддин Фазлиддинович Каржантау ер ёриғи сейсмик ҳолатига мөс замонавий ҳаракатларни ГИС технологияси асосида моделлаштириш.....	3
Шукуров Зухриддин Фазлиддинович Моделирование современных движений, соответствующих сейсмическому состоянию Каржантауского разлома, на базе ГИС технологий.....	21
Shukurov Zukhriddin Fazliddinovich Modeling of modern movements of the respective seismic condition of Karjantau fault on the basis of GIS technologies	39
Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	42

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШУКУРОВ ЗУХРИДДИН ФАЗЛИДИНОВИЧ

**КАРЖАНТАУ ЕР ЁРИФИ СЕЙСМИК ҲОЛАТИГА МОС ЗАМОНАВИЙ
ҲАРАКАТЛАРНИ ГИС ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

04.00.06 - Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/GM13 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Сейсмология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gpniimr.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамидов Лутфулла Абдуллаевич
физика-математика фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Максудов Сабитжан Хамидович
физика-математика фанлари доктори

Атабаев Дишпод Ҳусаинбаевич
геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

«Ўзбекгидрогеология» ДУК

Диссертация химояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «19» ғенвар соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12, e-mail: info@gpniimr.uz, gpniiimr@exat.uz).

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (30 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49).

Диссертация автореферати 2019 йил «3» XII да тарқатилди.
(2019 йил «3» ғенвар даги 30 рақамли реестр баённомаси).

 **М.М.Пирназаров**

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

К.Р.Мингбоев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, г.-м.ф.н.

Қ.Н.Абдуллабеков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида табиий ва техноген турдаги оғатлардан ҳимояланиш, жумладан, аҳоли ва ҳудудларни сейсмик хавфини баҳолаш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Дунёнинг ривожланган давлатларида эндоген геологик жараёнлар мониторингини олиб бориша глобал навигацион йўлдошлар тизимлари (GNSS) маълумотларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, унинг моделларини тузиш билан бевосита географик ахборот тизимларини (ГИС) қўллаш ишлари асосий восита сифатида хизмат қилмоқда. Бу борада ер қаърининг ҳолатини баҳолаш бўйича эндоген геологик жараёнлар мониторинг тизимига замонавий услубларни қўллаш тадқиқотлари давлатларни ижтимоий-иқтисодий, барқарор ривожлантиришга хизмат қиласди.

Бугунги кунда жаҳонда зилзилаларни прогноз қилиш масаласи бўйича эндоген геологик жараёнларни баҳолаш, геологик муҳитнинг қучланганлик-деформацион ҳолатини аниқлаш, ер қобиғининг замонавий ҳаракатлари моделларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, АҚШ, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва Россия каби давлатларда ер қобиғининг деформацион ҳолатини моделлаштиришда ҳалқаро космогеодезик ўлчов тизимидағи нуқталардан узлуксиз олинаётган ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни қўллашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бундай илмий ёндашув GNSS маълумотларини замонавий ГИС технологияси асосида қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва зилзилаларни прогнозлаш услубиятини такомиллаштириш имкониятини беради.

Мамлакатимизда аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфини баҳолаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, стратегик аҳамиятга эга обьектлар жойлашган ҳудудларда ер қобиғининг вертикал ҳаракатлари аниқланган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, Тошкентолди ва унинг атрофидаги ҳудудларни қамраб оливчи Каржантау ер ёриғи сейсмик ҳолатига мос замонавий ҳаракатларни ГИС технологияси асосида моделлаштириш бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг ер қаъри мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 119-сон Қарори, 2017 йил 1 июндаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

«Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5066-сон Фармони, 2017 йил 9 августдаги «Ўзбекистон Республикаси худуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик мустаҳкам қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3190-сон Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, ушбу диссертация иши натижалари муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республиканинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал ҳомашёни қайта ишлаш) устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ер қобиғининг замонавий ҳаракатларини ўрганиш дунёнинг жуда кўп мамлакатлари машхур илмий марказлари ва етакчи олий таълим муассасалари илмий ходимларининг илмий ишларида ўз аксини топган, жумладан хорижлик олимлар: H.F.Reid, Ч.Ф.Рихтер, Т.Рикитаке, К.Моги, Molnar P., В.Н.Hager, Ch.Reigber, R.Reilinger, R.Bendick, Z.-K.Shen, Б.Дж.Миди, Б.Х.Хагер, Т.А.Herring, S.Metzger, M.A.Floyd; МДҲ миқёсидаги олимлар: Г.А.Гамбурцев, Ю.А.Мещеряков, В.И.Уломов, В.К.Кучай, Н.А.Корешков, Т.В.Гусева, А.К.Певнев, В.Г.Трифонов, В.И.Макаров, Ю.А.Трапезников, К.Е.Абдурахматов, А.В.Зубович, С.И.Кузиков, А.В.Виляев, А.Н.Мансуров; Ўзбекистоннинг таниқли олимлари: Қ.Н.Абдуллабеков, Д.Х.Якубов, М.А.Ахмаджонов, А.Р.Ярмухамедов, Е.Я.Ранцман, Р.Н.Ибрагимов, Ш.Х.Абдуллаев, М.Х.Бакиев, С.А.Ирушкин, У.А.Нурматов, Ф.Д.Нормирзаев, Л.А.Хамидов, Р.С.Ибрагимов, Ш.С.Раджабов, Д.Ш.Фазилова, И.М.Эргешов, И.М.Алимухамедов ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Ўтган давр мобайнида геодинамик полигонлар ва техноген обьектларда ўтказилган ер қобиғининг замонавий ҳаракатларини тадқиқ этиш ишлари охиригача умумлаштирилмаган. Олиб борилган тадқиқотларда асосан сифатни яхшилашга эътибор қаратилган, миқдорий жиҳатдан комплекс ҳолатда етарлича ўрганилмаган. Ўз навбатида, тадқиқот ишларида GNSS ва ГИС технологияларидан фойдаланиш орқали комплекс равишда геологик-геофизик, геодезик маълумотларни рақамли ҳолатга келтириш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш мутлақо янги имкониятларни очиб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф8-Т-062 «Ер қобиғининг деформацияланиши ва техноген обьектларда зилзилалар ҳосил бўлиш механизmlарининг миқдорий моделларини ишлаб чиқиши» (2012-2016 йй.), ЁА14-ФА-Т-007 «Каржантау чуқур ер ёриғи сейсмик

фаоллигини геологик-геофизик усуллар мажмуаси билан баҳолаш ва ArcGIS технологияси ёрдамида микдорий моделларини яратиш» (2016-2017 йй.) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Каржантау ер ёриғи ҳудудида ер қобигининг сейсмиклик билан боғлиқ замонавий ҳаракатларини ГИС технологияси асосида моделлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Каржантау ер ёриғи ва унга ёндош ҳудудларнинг геологик-тектоник тузилиши, сейсмиклиги, геофизик майдонлари, чуқур қатламларининг тузилиши, геодинамик кўрсаткичларининг сўнгги даврдаги вариацияларини тадқиқ этиш;

Каржантау ва Товоқсой ер ёриқлари кесишган ҳудуд ва унинг атрофидаги ҳудудлар ер қобигининг вертикал ҳаракатларини тадқиқ этиш;

Шарқий Ўзбекистон ва унинг атрофидаги ҳудудларнинг ҳозирги замон ҳаракатларини GPS маълумотлари асосида ўрганиш;

эмпирик ифодалар ёрдамида Каржантау ер ёриғи ва унга ёндош ҳудудларнинг сейсмик ҳолат билан боғлиқ бўлган нисбий деформацияларини аниқлаш;

ГИС технологияси асосида Каржантау ер ёриғи ҳудуди ер қобигининг сейсмиклик билан боғлиқ замонавий ҳаракатлари моделларини ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида Каржантау ер ёриғи ва унга ёндош блоклар танланган.

Тадқиқотнинг предмети ер қобигининг замонавий ҳаракатлари, деформацион ҳолати ва унинг моделлари, вектор катталика баҳоланадиган силжишлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ер қобиги замонавий ҳаракатларининг зилзилалар ва бошқа геодинамик жараёнлар билан боғлиқ равишида ўзгариши ҳақида маълумотларни ўз ичига оловчи ўтказилган илмий тадқиқот ишлари натижаларини таҳлил қилиш, барча услубий қўлланмаларга мувофиқ ҳолда Каржантау ер ёриғи ҳудудида ўтказилган қўп йиллик геофизик ва геодезик кузатув ишларини олиб бориш, шунингдек олинган ўлчаш натижалари асосида ер қобиги замонавий ҳаракатларининг геодинамик жараёнлар билан боғлиқлигини баҳолаш усуллари орқали тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Каржантау ва Товоқсой ер ёриқлари ҳудудларининг 36 йиллик (1979-2016 йй.) ўртacha вертикал ҳаракатлари адвектив структуралар ривожланиши қонунияти асосида рўй бериши аниқланган;

илк бор глобал навигацион йўлдошлар тизимлари (GNSS) маълумотларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш дастури асосида Шарқий Ўзбекистон ҳамда унинг атрофидаги ҳудудлар ер қобигининг йиллик ўртacha горизонтал ва вертикал ҳаракат тезликлари аниқланган;

содир бўлган зилзилалар натижасида ер юзасида пайдо бўлган силжишларни эмпирик ифодалар орқали ҳисоблаб топиш мумкинлиги аниқланган;

ер ёриқлари билан чегараланган блокларнинг Мохорович чегарасигача бўлган қалинликлари ва бошқа физик параметрларини баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

Шарқий Ўзбекистон ва унга ёндош ҳудудлар ер қобиги замонавий ҳаракатларининг моделлари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Каржантау ер ёриги ва унга ёндош блоклар ҳудудларида сўнгги 100 йилда содир бўлган зилзилалар таҳлили натижасида ер юзасида пайдо бўлган силжишлар харитаси тузилган;

ГИС технологияси базасида Шарқий Ўзбекистон ер қобигининг Мохорович чегарасигача бўлган қалинлик харитаси тузилган;

ГИС технологияси асосида олинган маълумотлар таҳлили натижасида тадқиқот ҳудуди блокларининг деформациясини миқдорий жиҳатдан баҳолашда жамланма модели тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқотнинг асосий натижалари ер қобигининг горизонтал ва вертикал ҳаракатлари ўзгаришлари маҳсус геодинамик полигонларда, юкори аниқликка эга бўлган замонавий тахеометрлар ва GNSS станцияларида ўлчаш ёрдамида олинган. Олинган натижалар хатоликнинг нормал тақсимланиш қонуни билан солиширилган. Хулосалар умумий миқдорда 691200 та GNSS маълумотлари, 17 та циклда бажарилган нивелирлаш ва тахеометрик кузатув маълумотлари, 1920-2018 йиллар мобайнида содир бўлган 582 та зилзилалар таҳлиллари натижаларига таянган. Тадқиқотнинг ишончлилиги ер усти ва космогеодезик ишларни ўтказишда амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатларга мувофиқлиги замонавий ГИС технологияларини қўллаш орқали таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти геологик тузилиши ва геофизик жараёнлари мураккаб бўлган Ўрта Тяншаннинг Чотқол-Қурама тоғ тизмалари тузилмаси таркибидаги Каржантау ер ёриги ва унинг атрофидаги ҳудудлар ер қобигининг замонавий ҳаракатларини тадқиқ этиш, геологик муҳитда келгусида зилзилага олиб келиши мумкин бўлган геофизик жараёнларни моделлаштириш, зилзилаларни деформометрик даракчиларини олдиндан аниқлаш технологияларини такомиллаштириш, шунингдек региондаги сейсмик ҳолатга мос геодинамик жараёнларини назорат қилиш имкониятлари асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эндоген геологик жараёнлар мониторинги, сейсмик фаол зоналарда тоғ жинсларини кескин деформацияга учрашига оид ўзгаришларини тезкор баҳолаш ишлари аҳоли ва ҳудудларни хавфли табиий оғатлардан муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Республика пойтахти Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларнинг сейсмик хавфини баҳолашга муайян даражада ҳизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг сейсмик фаол ҳудудларида ер қобигининг замонавий ҳаракатларини аниқлаш ва ГИС технологияси асосида моделларини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Каржантау ва Товоқсой ер ёриклири кесишган ҳудудда аниқланган 36 йиллик ўртacha вертикал ҳаракатлар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги амалиётига жорий этилган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 2/4/24-2852-сон маълумотномаси). Натижада Тошкентолди ҳудуди ер қобигининг кучланганлик деформацион ҳолатини сейсмологик, геофизик ва геодезик кузатувлар мажмуаси мониторингини доимий олиб бориш заруратини асослашга хизмат қилган;

тадқиқот ҳудудининг сўнгги 100 йилда содир бўлган зилзилалар оқибатида юзага келган силжишларни акс эттирувчи силжишлар харитаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги амалиётига жорий этилган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 2/4/24-2852-сон маълумотномаси). Натижада фавқулодда геодинамик хатарли ҳудудларни ажратиш ва ер қобигининг хавфли деформацияланаётган жойларини баҳолашга имкон берган;

ер ёриги ҳудуди блокларининг деформация модели Фавқулодда вазиятлар вазирлиги амалиётига жорий этилган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 2/4/24-2852-сон маълумотномаси). Натижада Каржантау ҳудудининг эндоген геологик жараёнлар мониторинги ҳамда сейсмик фаол зоналарнинг тоф жинслари кескин деформацияга учрашини тезкор баҳолаш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий мақола чоп этилган. Шулардан 12 таси тезис, 8 таси илмий мақола бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, шу жумладан, 7 таси республикада ва 1 таси хорижий илмий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида, ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот обьекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини

амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Каржантау ер ёриғи худудида ўтказилган геологик-геофизик ва геодезик тадқиқотлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида Каржантау ер ёриғи худудининг геологик-тектоник тузилиши, тарихий ва замонавий сейсмик фаоллиги, ер қобиғининг ҳозирги замон ҳаракатлари, чуқур ер ёриқлари, Республиканинг умумий сейсмик районлаштириш, сейсмоген зоналари, GPS усуллари ёрдамида замонавий геодинамик ҳолатни баҳолаш, мониторинг ишларини ташкил қилиш имкониятлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон худудида жойлашган 10 та GPS станциялари маълумотлари ва яна Марказий Осиё худудида жойлашган 20 га яқин GPS станциялари маълумотлари узлуксиз равишда Сейсмология институти серверига ёзиб борилмоқда. GNSS маълумотларини сақлаш ва ундан илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш учун рақамли маълумотлар базаси яратилди. Бу маълумотлар базасидан фойдаланиш орқали келажакда GNSS маълумотларини автоматик тарзда қайта ишлашни йўлга қўйиш, умуман геодинамик ҳолатни тизимли мониторинг қилиш ишларини ташкиллаштириш, бу ишларга кетадиган меҳнатни енгиллаштириш имкониятларини излаш белгиланди. Натижада геологик тузилиши ва геофизик жараёнлари муракаб бўлган Ўрта Тяншаннинг Чотқол-Қурама тоғ тизмалари тузилмаси таркибидаги Каржантау ер ёриғи ва унинг атрофидаги худудлар ер қобиғининг кучланганлик-деформацион ҳолатини микдорий баҳолаш механизмларини ярим автоматлаштириш орқали эндоген геологик жараёнларнинг мониторингини ташкил қилишнинг илмий асосларини яратиш маълум даражада ҳал қилинди.

Диссертациянинг «**Каржантау ер ёриғи худуди геодинамик кўрсаткичларининг сўнгги даврдаги вариациялари**» деб номланган иккинчи бобида тахеометрик ва GNSS тасвирлаш усуллари орқали ер қобиғининг замонавий вертикал ва горизонтал ҳаракатларини аниқлаш услуби, Каржантау ва Товоқсой ер ёриқлари кесишган ҳудуд ер қобиғининг замонавий вертикал ҳаракатларининг ўлчов натижалари, Шарқий Ўзбекистон ва унинг атрофидаги худудларнинг сўнгги йиллардаги GNSS ўлчов натижаларини GAMIT-GLOBK мұхитида қайта ишлаш ва таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Ўрта Тяншаннинг Чотқол-Қурама тоғ тизмалари тузилмаси таркибидаги Каржантау ер ёриғи ва унинг атрофидаги худудларнинг ер қобиғидаги вертикал ҳаракатларни тадқиқ этиш учун 2016-2017 йилларда Товоқсой геодинамик полигонида 7 циклда тахеометрик тасвирлаш ишлари олиб борилди. 2016 йилнинг боши, 1-циклда ўлчанган вертикал ҳаракатлар ушбу геологик мұхитнинг ҳаракат динамикасини баҳолашда бошланғич асос қилиб олинди. Уч ой оралиқ билан кейинги ўлчанган 2-цикл натижалари 1-цикл натижалари билан таққосланыб, қайта ишланди ва шу тариқа ўлчовлар босқичма-босқич давом эттирилди. Товоқсой геодинамик полигонида

үтказилған тәхеометрик тасвирлаш ишлари «маҳаллий» координата тизими асосида олиб борилған. Үлчов ишлари учун таянч нұқта қилиб биз шартлы номлаган Каржантау ер ёриғи жанубида жойлашған «Астропункт» олинди, «Астропункт» ва биз шартлы номлаган «Ферма» нұқталари үлчов ишлари учун базис этиб белгиланды. Қолған нұқталар: «Новый», «Кладбище», «Скала», «Высота» Каржантау ер ёригининг икки тарафида жойлашған бўлиб, ушбу ёриқ йўналишига перпендикуляр қилиб биз белгилаган базис чизигига нисбатан ҳисобланди ва юқоридаги үлчов нұқталарининг геодезик аниқ жойлашиши келиб чиқди. Үлчов нұқталари Каржантау ер ёриғи икки қирғоғидаги палеозой төғ жинсларига ўрнатилған.

2016-2017 йиллардаги тәхеометрик дала кузатув ишларида олинган 1-цикл нисбий вертикаль ҳаракат натижалари 1979-1980 йиллардаги нивелирлаш ишларида олинган 0-цикл нисбий вертикаль ҳаракат натижалари билан қайта ишланди ва таққосланди, бунда уларнинг фарқлари 543,739 м ни ташкил қилди. Шундан келиб чиқиб 1979 йилга нисбатан вертикаль ҳаракат қийматлари 543,739 м бўлганини кўрсатди ва бу нисбий үлчангандан микдорлар битта реал тизимга келтирилди (1-жадвал).

1-жадвал

Реперларнинг 2016-1979 йиллардаги вертикаль ҳаракат фарқлари

Реперлар номи	1979, м	2016, м	Фарқи, м	1979, м	2016, м	2016-1979, м
Астропункт	156,261	700,000	543,739	700,000	700,000	0,000
Новый	123,422	668,443		667,161	668,443	1,282
Кладбище	149,902	694,902		693,641	694,902	1,261
Ферма	153,733	698,776		697,472	698,776	1,304
Скала	176,892	721,880		720,631	721,880	1,249
Высота	203,982	748,912		747,721	748,912	1,191

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, нисбий баландликларнинг 1979 йилги нивелирлаш натижалари ва 2016 йиллалардаги тәхеометрик тасвирлаш натижалари фарқларидан тәхеометр ўрнатилған жой ва геодезик марка оралиқлари (Геодезия ва картография бош бошқармаси конструкцияси баландлиги), яъни 1,25 метрни айириб ташласақ, реперларнинг 36 йиллик вертикаль ҳаракатлари келиб чиқади (2-жадвал).

2016-2017 йилларда олиб борилған геодезик тадқиқот натижалари асосида ер қобиғининг вертикаль ҳаракатлари таҳлил қилинди ва шунга асосан реперларнинг 36 йиллик вертикаль ҳаракатлари аниқланди. Каржантау ер ёриғи шимолида жойлашған «Скала» ва «Высота» нұқталарида -1 мм ва -59 мм га чўкиш ҳолати кузатилди. Жанубий қисмида жойлашған «Новый», «Кладбище» ва «Ферма» геодезик кузатув нұқталарида 32 мм, 11 мм, 54 мм га кўтарилиш ҳолати кузатилди. Айниқса, «Ферма» ва «Высота» нұқталарида вертикаль ҳаракатлар қолған жойларга нисбатан кўпроқ ўзгаргани аниқланди.

Бундай фикр юритилишига сабаб, юқорида келтирилган нұқталар Каржантау ер ёриғига яқин худудларда, яғни ер ёриғи худудида жойлашғанлиги натижасидадир.

2-жадвал

Реперларнинг реал тизимдаги 36 йиллик вертикал ҳаракатлари

Реперлар номи	1979, м	2016, м	2016-1979, м	Конструкция баландлығи, м	36 йиллик вертикал ҳаракат, м
Астропункт	700,000	700,000	0,000	0,000	0,000
Новый	667,161	668,443	1,282	1,250	0,032
Кладбище	693,641	694,902	1,261	1,250	0,011
Ферма	697,472	698,776	1,304	1,250	0,054
Скала	720,631	721,880	1,249	1,250	-0,001
Высота	747,721	748,912	1,191	1,250	-0,059

GPS маълумотларини қайта ишлаш жараёни Linux/Unix операцион тизимида ишлайдиган АҚШ нинг Массачусетс технология институти олимлари томонидан яратилған GAMIT/GLOBK дастури асосида бажарилған. Дастаннинг афзаллиги, уни ярим автоматик ҳолатда ишлашидадир. GPS маълумотларининг аниқлиги бир-неча турдаги хатоликлар билан боғлиқ. Ҳозиргача амалиётда GNSS базасида олинган координаталар жуда аник ва хатосиз деб ҳисобланади. Лекин доим ҳам унда бўлавермайди, чунки GNSS базасида интерактив олинадиган координатларнинг аниқлигини ўзгартирадиган бир нечта ҳолатлар мавжуд. Бу ҳолат манбалари: 1. Электромагнит тўлқинларни ионосфера ва атмосферадан ўтишидаги тутилишлар; 2. Сунъий йўлдош ва қабул қилувчи қурилманинг вақт хатоликлари; 3. Электромагнит тўлқинларни қайта акслантиручи манбалар; 4. Сунъий йўлдошларнинг геометрик жойлашуви; 5. Танланган чекка ҳадлар (S/A); 6. Кодли маълумотларни шифрлаш – Anti Spoofing (A-S).

GPS маълумотларини бугунги кунгача тўла-тўқис қайта ишланмаганлигига сабаб, айнан юқорида келтирилған ҳолатлар қайта ишлаш жараёнидан чиқариб ташланмаганлиги билан боғлиқ. Биз олиб борган тадқиқотларимизда GPS маълумотларини аниқлигини пасайтирувчи ҳолатлар ҳисобга олинди ва улар GAMIT/GLOBK дастури асосида қайта ишлаш жараёнида чиқариб ташланган.

Олиб борилган тадқиқотларда илк бор Ўзбекистон шароитида GAMIT-GLOBK дастури асосида Шарқий Ўзбекистон ва унинг атрофидаги худудлар ер қобиғининг сўнгги даврдаги GNSS ўлчов натижалари қайта тадқиқ этилди ҳамда Тошкент, Фарғона, Китоб ва кўшимча яна 11 та GPS станцияларининг замонавий ҳаракатлари аниқланди (3-жадвал).

Ўзбекистон ва унинг атрофидаги ҳудудлар GNSS станцияларининг сўнгги даврдаги горизонтал ҳаракат тезликлари (Евросиё плитасига нисбатан)

Координаталар		Тезлик, $\text{мм}\cdot\text{йил}^{-1}$		Баландлик, $\text{мм}\cdot\text{йил}^{-1}$	Станция
Узоқлик	Кенглиқ	Шарқ	Шимол		
115,89	39,61	4,33	-2,04	-0,28	BJFS*
104,31624	52,21902	-2,07	-0,58	1,05	IRKM*
96,83397	-12,18834	25,15	69,27	5,92	COCO
91,10403	29,65733	15,97	20,70	1,01	LHAZ*
82,90949	55,03050	-2,57	0,78	-3,51	NOVM*
77,57038	13,02117	18,96	37,83	0,90	IISC*
74,75110	42,99850	-1,60	0,73	-4,62	CHUM*
74,69427	42,67977	-0,88	3,16	-1,34	POL2*
72,77749	40,52993	-1,31	6,74	-1,27	OSHK
71,78410	40,37440	-0,76	6,80	-0,34	FGNA
69,29557	41,32805	-4,59	-0,08	-2,95	TASH
66,88545	39,13477	0,10	0,69	0,29	KIT3*
58,56046	56,42982	-0,11	-0,51	4,32	ARTU*
33,39645	35,14099	-6,36	4,32	-1,60	NICO*

Натижада бу бевосита ер усти ва масофавий геодезик усулларини қўллаган ҳолда Каржантау ер ёриғи икки қанотидаги палеозой тоғ жинслари ётқизиқларига геологик-тектоник жараёнлар таъсирида ер юзасида ҳосил бўладиган вертикал ва горизонтал ҳаракатларнинг вариацияларини таҳлил қилиш ҳамда сўнгги даврдаги геодинамик жараёнларни миқдорий жиҳатдан аниқлаш имконини берди.

Диссертациянинг «Каржантау ер ёриғи худуди сейсмик ҳолатига мос ер қобигининг замонавий ҳаракатларини ГИС технологияси асосидаги моделлари» деб номланган учинчи бобида эмпирик ифодалар ёрдамида аниқланган ер қобигининг замонавий горизонтал ҳаракатларининг ГИС тизимидағи модели, GNSS ўлчовлари асосида аниқланган ер қобигининг замонавий горизонтал ҳаракатлар тезлиги векторининг GLOBK ва Matlab моделлари, ГИС тизимида аниқланган Каржантау ер ёриғи худуди ер қобигининг замонавий деформация модели, яратилган деформация моделини сейсмологик маълумотлар билан ГИС муҳитида солиштириш асосида тадқиқот ҳудудининг бир хил миқёсдаги жамланма модели тузилган.

Геологик ва геофизик талқинларга асосан Ўзбекистон полигонларидағи қиёсий маълумотлар бу ҳудудларда ер қобиги турли хил хусусиятдаги фаолликни намоён этаётганини кўрсатди. Масалан, Тошкентолди ҳудудини текислик қисмидаги силжиш тезлиги 15 $\text{мм}/\text{йил}$, тоғ этак қисмida 10-15 $\text{мм}/\text{йил}$, тоғларда 60 $\text{мм}/\text{йилгача}$, ер ёриғи зоналарида 30 $\text{мм}/\text{йилгача}$, сейсмик ҳодисалар билан боғлиқ ҳаракатлар вақтида 40 $\text{мм}/\text{йилдан ортиқ}$ бўлганини кўсатди. Маълумки, зилзила ўчоғида геологик муҳитнинг деформацияланиш


даражаси тахминан 2% ни ташкил этади. Масалан, В.И.Уломов бўйича 1966 йил 26 апрелдаги Тошкент зилзиласида ўчоқ деформацияси $\epsilon_0=1,9\times10^{-4}$ ни ташкил қилган. Каржантау ер ёригининг ўша даврдаги морфокинетик ҳолатига нисбатан унинг ғарбидаги Тошкентолди структураларида сейсмик максимал силжиш Н.А.Корешков, А.П.Райзманларнинг геодезик маълумотларига кўра $V_{01}=35\text{ mm}$, назарий ҳисобларга кўра $V_{01}=32\text{ mm}$ бўлиб, олиб ташланган кучланиш миқдори 6 МПа ни ташкил қилган. Бу Каржантау ер ёриги худудида турли даврдаги кучли зилзилалардан ҳосил бўладиган ҳаракатлар муқим морфокинетик ҳолатга устама ҳаракатлар бўлиб кўшилиши мумкинлигини яққол кўрсатди.

Таҳлил натижаларига асосан кузатилиши мумкин бўлган деформациялар кўплаб амалий ҳолларда бир вақтнинг ўзида бир неча оддий деформацияларнинг биргаликдаги жамланмаси эканлигини таъкидлаш мумкин. Шундан келиб чиқиб, тадқиқот худудимиздаги ҳар қандай деформацияланиш энг оддий икки шаклда: кенгайиш (ёки сиқилиш) ва сурилиш билан устувор бўлиши эҳтимолга яқин бўлади. Бундай ҳолатлар тадқиқот худудига айнан мос тушган магнитудаси 4 дан ошиқ бўлган 1959 йилги Бручмулла, 1974 йилги Денап, 1977 йилги Товоқсой, 1980 йилги Назарбек ва 2008 йилги Тошкент зилзилалари бўйича Каржантау флексура ёриги зонаси учун сейсмологик ва режимли геодезик ўлчовлар асосида олинган маълумотларни таҳлил қилиб, ҳаракатларнинг вектор кўринишдаги шакллари аниқланди. Бунда Тошкентдаги 2008 йилги зилзила ($M=4,8$; $J=6-7$ балл) даври учун, яна Чорвок сув омборининг мавсумий эксплуатацияси учун ҳам, Бурчмулла (1959 й.; $M=6,2$; $J=9$) зилзиласи эпицентридан Товоқсой (1977 й.; $M=5,2$; $J=8$) зилзиласи эпицентригача бўлган масофада деформация миқдорлари баҳоланди. Олинган натижаларга асосан Тошкентолди сейсмик фаол худудида кучсиз зилзилалар (магнитудаси 4 дан кичик) 10^{-6} дан паст миқдорлардаги деформацияга мос келиб, кучли зилзилаларда ернинг юзасида ҳосил бўладиган ҳаракатлар устама вертикал ёки горизонтал силжишлар билан бойиб, деформация қийматлари юқори миқдорларга кўтарилиши (10^{-5} гача чегарада) кузатилганини таъкидлаш мумкин. Бу ҳолда, кучли зилзилалар арафасида аниқланган деформометрик маълумотлар сейсмик аномал кўрсаткичларни ажратиш учун етарли даражада эътиборли бўлади.

Юқорида келтирилган З-жадвалга асосан GNSS станцияларининг Шарқий ва Шимолий йўналишлар бўйича йиллик ўртacha тезликлари натижалари Globk дастури асосида қайта ишланди ва таҳлил қилинди. Шарқий ташкил этувчи, бу Гринвич, 0° меридиандан GNSS станциясигача бўлган масофа, Шимолий ташкил этувчи эса ернинг экватор чизигидан GNSS станциясигача бўлган масофа. Бу иккита Шарқий ва Шимолий ташкил этувчиларнинг 2011-2013 йиллардаги горизонтал ҳаракатлари асосида Евроосиё плитасига нисбатан GNSS станцияларининг йиллик ўртacha горизонтал ҳаракатлари тезликларининг векторли харитаси тузилди (1-расм).

GNSS ўлчовлари асосида аниқланган ер қобигининг замонавий горизонтал ҳаракатлар тезлиги векторининг GLOBK ва Matlab моделлари

яратилди. GAMIT/GLOBK дастурий түплами асосида космогеодезик маълумотларни қайта ишлаш жараёнида GPS кузатув нуқталари каталогини олиш, жараёнларни ярим автоматлаштириш ва унга кетадиган меҳнатни камайтиришга эришилди.



1-расм. GNSS станциялари ер қобигининг йиллик ўртача горизонтал ҳаракатлари тезлигининг Globk модели (тузувчи: З.Ф.Шукров)

Бундан ташқари Тошкент, Фарғона, Китоб GPS станциялари ер қобигининг горизонтал ҳаракат тезликларини ифодаловчи палеограммалар тузилди. Бу тузилган палеограмма графикларининг тренд чизиги аниқланди ва шунга асосан Шарқий Ўзбекистон GPS станциялари ер қобигининг ғарб-шарқ ва жануб-шимол йўналишлари бўйича ўртача йиллик горизонтал ҳаракатларини акс эттирувчи умумий ифода ҳам тузилди:

$$U_{\text{эш}} = 6,8 \cdot U_{\text{жш}} + 0,2156 \quad (1)$$

$$R^2 = 0,9634$$

бу ерда: $U_{\text{эш}}$ – GPS станцияси ер қобигининг ғарб-шарқ томонга горизонтал ҳаракат тезлиги, $U_{\text{жш}}$ – GPS станцияси ер қобигининг жануб-шимол томонга горизонтал ҳаракат тезлиги, R – ишончлилик қиймати. Тузилган ифодага асосан ғарб-шарқ томонга йўналган горизонтал ҳаракат тезликлари жануб-шимол томонга йўналган горизонтал ҳаракатлардан 6, 7 марта катта эканлигини, ишончлилик қийматини ҳам 98% эканлигини кўришимиз мумкин.

Марказий Осиёнинг морфоструктуравий районлашувига кўра, Е.Я.Ранцман бўйича ҳудуд Тяншан тоғ ўлкасига киради – биринчи даражали блок, у Шимоли-Шарқда Таласс-Фаргона, Шимоли-Ғарбда Ғарбий Тяншан, Жанубда – Жанубий Тяншан биринчи даражали линеаментлар билан чегараланган. Бу блоклар қўйидаги мегаблокларга бўлинади – иккинчи даражали блоклар: Чотқол мегаблоки биринчи даражали линеамент Ғарбий Тяншан ва иккинчи даражали линеамент Шимолий Фаргона оралиғида жойлашган; Фаргона мегаблоки – Шимолий ва Жанубий Фаргона оралиғида; Олой мегаблоки – иккинчи даражали линеамент Жанубий Фаргона ва биринчи даражали линеамент Жанубий Тяншан оралиғида жойлашган.

Тадқиқот ҳудудини шартли блокларга ажратиб ўрганиш, блокларнинг фаоллиги ва замонавий деформацияни аниқлаш билан бирга унинг моделларини қуриш геодинамик жараёнларни миқдорий жиҳатдан баҳолаш имкониятини берди. Шунга асосан тадқиқот ҳудудининг морфоструктуравий районлашуви ва линаментлар даражалари ҳисобга олинган. Е.Я.Ранцман, О.М.Борисов, М.А.Ахмаджонов, Д.Х.Якубов А.Р.Ярмуҳамедов ва В.И.Уломовлар томонидан турли масштабларда шартли ажратилган блоклар геологик жойлашувидан фойдаланилди, яъни юқоридаги олимлар мезонлари асосида тадқиқот ҳудуди регионал ер ёриқлари билан чегараланган 20 та блокларга ажратилди. Бунда Чотқол-Қурама (А) мегаблоки Тошкентолди (А-1) ва Чотқол (А-2) блокларига бўлинган. Ўз навбатида Тошкентолди ва Чотқол блоклари қўйида номлари келтирилган кичик блокчаларга бўлинган. Масалан: Каржантау (А-1-1) блоки В.И.Уломов талқини бўйича Келес блоки деб ҳам аталади. Мохорович чегараси 37-39,5 км чуқурликгача боради. Блок шимоли-шарқда Кумбел-Қўқон ер ёриғи билан, ғарбда жанубий Қозогистон паст текисликлари билан, жануби-ғарбда Тузкон кўлидан ўтиб шимолий Қизилқум ер ёриғи билан, шарқда Тошкент блоки билан чегараланган; Тошкент (А-1-2) блоки ундан Каржантау ер ёригини ўтиши билан тавсифланади. Каржантау ер ёриғи бутун узунлиги бўйича Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида палеозой тоғ жинсларини мезокайнозой тоғ жинслари устига чиқиши билан аниқ ажралади. Мохорович чегараси 37-39,5 км чуқурликгача боради. Блок шимоли-шарқда сейсмик чок (шов) зона ҳисобланган Кумбел-Қўқон ер ёриғи билан, ғарбда Каржантау ер ёриғи ва Тошкент флексурали ер ёриғи зоналари билан, жануби-ғарбда Янгийўл орқали ўтиб шимолий Қизилқум ер ёриғи билан, шарқда Ангрен сейсмик фаол ер ёриғи бўйлаб чегараланган; Олмалиқ (А-1-3) блоки Д.Х.Якубов талқини бўйича Пскент блоки деб ҳам аталади. Мохорович чегараси 40-42,5 км чуқурликгача боради. Блок шимоли-шарқда Кумбел-Қўқон ер ёриғи билан, ғарбда Чилтен ер ёриғи билан, жануби-ғарбда шимолий Қизилқум ер ёриғи билан, шарқда Железний ер ёриқлари билан чегараланган; Чотқол (А-2-11) блоки шимоли-шарқда Талас-Фаргона ер ёриғлари тизимиға кирувчи Майдонтол-Арис ер ёриғи билан, Жанубий Сандалаш ва Чотқол ер ёриқлари билан чегараланган. Мохорович чегараси 48,5-51 км чуқурликгача боради.

Ажратилган ҳар бир блокларнинг физик параметрларини ҳисоблаб топиш учун ҳудуднинг геологик-тектоник тузилиши, морфологияси, чуқур қатламларнинг тузилиши ва бошқа маълумотлардан максимал даражада фойдаланилди. Унга асосан 20 та блокларнинг юзалари, ер қобигининг Мохоровичич чегарасигача бўлган қалинликлари, ҳажмлари, ўртача зичликлари, массалари, блоклар юзаларига таъсир қилувчи кучлар, силжиш модуллари ва ҳар бир блок учун ўртача деформациялар аниқланди.

Кейинги босқичда ер қобигининг қалинлигини аниқлаш мақсадида Эри мувозанат ҳолатидан фойдаланилди. Эри схемасига кўра ер қобигининг ҳамма жойи бир хил ўртача σ_c зичликка эга ва унинг остида ётувчи зичлиги ер пўсти зичлигидан каттароқ бўлган ташқи мантия қатлами ўзгармас σ_m зичликка эга. Ер юзасининг нотекис рельефи Эри схемасига тескари равища ер қобигининг остида кўтарилиб-тушишлар билан компенсация қилинади. Юзаси океан сатҳига тўғри келадиган ер қобигининг қалинлиги H га teng. Қобиқли блок денгиз сатҳидан баландлиги h масофада, зичлиги σ_c ва қалинлиги r дан иборат бўлган блокдир. Юқорида келтирилган мувозанат ҳолатини гидростатик мувозанат принципи асосида (Архимед қонуни) ифодалаш орқали тадқиқот ҳудуди ер қобигининг қалинликлари аниқланди:

$$r = \frac{\sigma_c h}{\sigma_m - \sigma_c} \quad (2)$$


Юқорида келтирилган 2-ифода ва Эри мувозанат ҳолати моделига асосан ер қобигининг қалинлиги топилади, яъни:

$$R = h + H + r \quad (3)$$

Келтирилган 3-ифода асосида аниқланган натижаларга таяниб, Шарқий Ўзбекистон ҳудуди ер қобигининг ер юзасидан Мохоровичич чегарасигача бўлган қалинликлари харитаси тузилди.

Деформацияни баҳолаш учун ер қобигининг ўртача йиллик вертикал ҳаракат қийматлари ва блокларнинг Мохоровичич чегарасигача бўлган қалинликлари қийматлари ArcGIS дастури асосида географик узоқлик ва кенглик координаталари бўйича битта тизимга келтирилди. Ҳар бир нуқта учун ҳисобланган ўртача йиллик вертикал ҳаракат қийматлари мос равища ҳар бир нуқта учун ҳисобланган ер қобигининг қалинлик қийматларига бўлинди. Натижада блокларнинг майдон бўйича деформацияланиш ҳолати модели яратилди. Деформация моделини сейсмологик маълумотлар билан таққослаш учун тадқиқот ҳудудида содир бўлган зилзилалар таҳлил қилинди. Тадқиқ қилиш натижаларига асосан Тошкентолди ҳудуди учун кучли зилзилаларни намоён бўлиш даврийлиги Ибрагимов Р.Н., Қ.Н.Абдуллабеков бўйича 40 йилни ташкил этган. Кучли зилзилаларни намоён бўлиш даврийлигини инобатга олган ҳолда сўнгги 100 йилда содир бўлган зилзилалар катологлари турли манбаълардан ажратиб олиниб, тадқиқот ҳудуди бўйича ГИС тизимида бир ўлчамга келтирилиб, рақамли базаланди.

Бунда 2011-2013 йилларда содир бўлган зилзилалар эпицентрлари бўйича ГИС дастурига алоҳида жойланди ва олинган геологик, тартибланган сейсмик, тузилган геодезик, ҳамда ҳисобланган деформацион миқдорлар базалари умумлаштирилиб, Каржантау ер ёриғи ҳудуди блокларининг майдон бўйича деформация модели ва зилзила эпицентрлари харитаси тузилди (2-расм).




2-расм. Тадқиқот ҳудуди блокларининг деформация модели ва сейсмиклиги харитаси (тузувчи: З.Ф.Шукуров)

Тузилган харитадан кўриниб турибдики 2011-2013 йилларда содир бўлган, магнитудаси бўйича кучлироқ зилзилалар айнан биз ажратган зона ичидаги содир бўлган. Деформация модели ва сейсмиклик харитасига асосан қизил ранг билан ажратилган ҳудудда деформация қиймати $\epsilon \approx 7 \cdot 10^{-7}$, яшил ранг билан ажратилган ҳудудда эса деформация қиймати $\epsilon \approx 2 \cdot 10^{-7}$ эканлигини кўришимиз мумкин.

Ишлаб чиқилган ҳар бир модел бир-неча векторли қатламларни ўз ичига олади ва бу қатламлар ArcGIS технологияси имкониятларидан фойдаланиб бир тизимга келтирилган. Мақсад, ArcGIS технологияси асосида тадқиқот ҳудудининг юқорида келтириб ўтилган векторли моделларини бир хил миқёсга олиб келиш ва блокларнинг деформациясини миқдорий жиҳатдан баҳолашда жамланма модел яратиш (3-расм).

Ишлаб чиқилган жамланма модел асосида турли геологик-геофизик, космогеодезик масалаларни ечиш ва тизимни ишончли даражаларда мукаммалаштириш мумкин. Эътиборлиси шундаки, яратилган жамланма моделни исталган ҳудуд учун тадбиқ этиш мумкин. Жамланма моделнинг самарадорлигини, унга кирувчи маълумотларнинг тўлалиги ва аниқлиги 18

белгилайди. Яратилган жамланма модел ер қобиғининг кучланганлик-деформацион ҳолатини миқдорий жиҳатдан моделлаштиришга, эндоген геологик жараёнларнинг мониторингини олиб боришга муайян даражада хизмат қиласи.



3-расм. Тадқиқот ҳудудининг ГИС мухитидаги жамланма модели
(тузувчи: З.Ф.Шукуров, ArcGIS мухитида, шартли белгилар 2-расмда)

Олинган таҳлиллар асосида Тошкентолди ва унга туташ ҳудудлар учун GPS натижалари ва кучли зилзиларнинг тарқалиши бўйича деформация майдони хусусиятлари ўртасида маконга оид корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Геологик ва геофизик жиҳатдан фаол бўлган Каржантау ер ёриғи ҳудудидаги муңтазам деформацияларнинг сейсмик деформациялар билан маълум тартибда бир-бирига мос келиши, уларнинг ҳудуддаги умумий геодинамик жараёнларга боғлиқ деб тахмин қилишга асос бўлади. Шу сабабли ГИС технологияси асосида ишлаб чиқилган Каржантау ер ёриғи сейсмик ҳолатига мос замонавий ҳаракатлар модели тадқиқот ҳудуди ер қобиғининг кучланганлик-деформацион ҳолатини баҳолашда замонавий ҳаракатларнинг GPS кузатувларидан фойдаланиш учун миқдорий усулибий асос бўлиб хизмат қиласи.

ХУЛОСА

- Сейсмология институти серверида GNSS маълумотларини сақлаш ва ундан илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш имкониятларини кенгайтирадиган рақамли маълумотлар базаси яратилди. Ушбу маълумотлар базаси GNSS маълумотларини автоматик тарзда қайта ишлашни йўлга қўйиш, сейсмик фаол ҳудудларнинг геодинамик ҳолатини тизимли мониторинг қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

2. Каржантау ва Товоқсой ер ёриқлари кесишган ҳудудда 2016-2017 йилларда ўтказилган тахеометрик ўлчов ишлари натижалари 1979-1980 йиллар давомида ўтказилган нивелирлаш ўлчов ишлари натижалари билан биргаликда бир тизимга келтирилди ва қайта ишланди, натижада 1979-2016 йиллар мобайнидаги 36 йиллик ер қобиғининг ўртача вертикал ҳаракатлари аниқланди. Натижалар Товоқсой геодинамик полигони ҳудудларида кучланганлик-деформациян ҳолати мониторингини геологик, геофизик ва геодезик кузатувлар комплекси билан олиб боришга тавсия этилган.

3. Илк бор Ўзбекистон шароитида GAMIT-GLOBK дастури асосида Шарқий Ўзбекистон ва унинг атрофидаги ҳудудларнинг сўнгти даврдаги GNSS ўлчов натижалари ҳудудий ягона тизимга келтирилиб, қайта ишлаш таъминланди. Натижалар Тошкент, Фарғона, Китоб ва яна 13 та GPS станциялари ер қобиғининг замонавий горизонтал ва вертикал ҳаракатларини аниқлаш, ер қобиғининг замонавий вертикал ва горизонтал ҳаракатларини тизимли кузатиш ва таҳлил қилиш имконини беради.

4. Тадқиқот ҳудуди бўйича сўнгги 100 йилда содир бўлган зилзилалар магнитудаларини эмпирик ифодалар асосидаги таҳлили натижасида ер юзасида пайдо бўлган силжишлар харитаси тузилди. Ушбу харита асосида олинган натижаларга кўра ер қобиғининг деформацияси баҳоланган.

5. ГИС технологияси базасида Эри изостатик мувозанат гипотезасини Архимед қонуни орқали ифодаланган функционал боғлиқликлар асосида Шарқий Ўзбекистон ер қобиғининг Мохорович чегарасигача бўлган қалинлик харитаси тузилди. Ушбу харита ер қобиғининг деформациян ҳолатини баҳолаш имконини беради.

6. 2011-2013 йиллар учун Шарқий Ўзбекистон ва унинг атрофидаги ҳудудлар GNSS станциялари ер қобиғининг йиллик ўртача горизонтал ва вертикал ҳаракат тезликларининг Globk ва Matlab моделлари яратилди. Натижалар ер қобиғининг замонавий ҳаракатларини тизимли мониторинг қилиш имконини беради.

7. 2011-2013 йиллар учун Каржантау ер ёриғи ҳудуди блокларининг ўртача деформацияланиш ҳолати аниқланди. Бунга асосан магнитудаси кучли бўлган зилзилалар деформация қиймати катта бўлган ҳудудлар доирасида содир бўлганлиги билан аҳамиятлидир. GNSS усуллари ёрдамида олинган натижалар эндоген геологик жараёнлар мониторинги, сейсмик фаол ҳудудларда тоғ жинсларини деформацияланиш вариациясини тезкор баҳолаш учун тавсия этилган.

8. ArcGIS технологияси асосида тадқиқот ҳудуди блокларининг деформациясини миқдорий жиҳатдан баҳолашда жамланма модел яратилди. Яратилган жамланма модел ер қобиғидаги кучли зилзилалар арафасида геофизик майдонларни аномал ўзгаришларга олиб келувчи кучланганлик-деформациян ҳолатни миқдорий жиҳатдан моделлаштиришга, эндоген геологик жараёнларнинг морфокинетик ва геодезик мониторингини олиб боришга муайян даражада хизмат қиласи.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.GM.40.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИНЕРАЛЬНЫХ
РЕСУРСОВ, ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ, ИНСТИТУТЕ
ГИДРОГЕОЛОГИИ И ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ, ИНСТИТУТЕ
СЕЙСМОЛОГИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА И ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ИНСТИТУТ СЕЙСМОЛОГИИ

ШУКУРОВ ЗУХРИДДИН ФАЗЛИДИНОВИЧ

**МОДЕЛИРОВАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ДВИЖЕНИЙ,
СООТВЕТСТВУЮЩИХ СЕЙСМИЧЕСКОМУ СОСТОЯНИЮ
КАРЖАНТАУСКОГО РАЗЛОМА, НА БАЗЕ ГИС ТЕХНОЛОГИЙ**

04.00.06 - Геофизика. Геофизические методы поисков полезных ископаемых

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2017.2.PhD/GM13.

Диссертация выполнена в Институте сейсмологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.gpniimr.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Хамидов Лутфулла Абдуллаевич
доктор физико-математических наук

Официальные оппоненты:

Максудов Сабитжан Хамидович
доктор физико-математических наук

Атабаев Дилшод Хусайнбаевич
кандидат геолого-минералогических наук

Ведущая организация:

ГУП «Узбекгидрогеология»

Защита диссертации состоится «19 » декабрь 2019 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.GM.40.01 при Институте минеральных ресурсов, Институте геологии и геофизики, Институте гидрогеологии и инженерной геологии, Институте сейсмологии, Национальном университете Узбекистана и Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100060, г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12, e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (регистрационный по № 30). (Адрес: 100060, г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49.

Автореферат диссертации разослан «3 » XII 2019 года.
(реестр протокола рассылки № 30 от «3 » декабрь 2019 года.)



М.М.Пирназаров

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.г.-м.н.

К.Р.Мингбоев

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.г.-м.н.

К.Н.Абдуллабеков

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Защита населения и территорий от природных и техногенных катастроф, в том числе обеспечение сейсмической безопасности, защита от опасных природных процессов являются в мировой практике одной из наиболее актуальных задач сегодняшнего дня. В развитых странах мира географическая информационная система (ГИС) служит как важное средство для мониторинга эндогенных геологических процессов, обработки и анализа данных космогеодезии (GNSS), а также создания их моделей. В этой связи исследования по оценке состояния земных недр с применением современных методов мониторинга эндогенных геологических процессов служить в социально-экономическом и устойчивом развитии страны.

В настоящее время в мире проводятся ряд научных исследований по оценке эндогенных геологических процессов, определению напряженно-деформированного состояния геологической среды, разработке моделей современных движений земной коры с целью решения задач прогнозирования землетрясений. В частности, в США, Германии, Франции, Японии, Южной Корее, Китае и России при моделировании деформационное состояние земной коры особое внимание уделяется использованию непрерывных данных движения пунктов международной космогеодезической измерительной системы. Этот научный подход позволяет обрабатывать и анализировать данные GNSS на основе современных ГИС технологий и модернизировать методологию прогнозирования землетрясений.

В нашей стране реализуются комплексные меры по оценке сейсмической опасности населения и территории Узбекистана. В частности, выявлены вертикальные движения земной коры на территориях расположения объектов стратегического назначения. В «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» определены задачи по «...обеспечению жизнедеятельности населения в экологически безопасной среде...»¹. В связи с этим актуальным является проведение научных исследований по моделированию современных движений, соответствующих сейсмическому состоянию Каржантауского разлома, охватывающего Приташкентский район и прилегающие территории.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указа Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №119 от 12 мая 2014 г. «Об утверждении Положения о порядке проведения мониторинга недр Республики Узбекистан», №УП-5066 от 1 июня 2017 г. «О мерах по коренному

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

повышению эффективности системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций», Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3190 от 9 августа 2017 г. «О мерах по совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмологии, сейсмостойкого строительства и сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики - VIII. «Науки о Земле» (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья).

